

Бу сизларга бўлишини яхши кўрасизларми?

08:20 / 15.07.2018 3490

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бозорда кетаётганларида қулоғи кичкина бўлган ўлимтик бир эчкининг олдидан ўтиб қолдилар. Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг қулоғидан ушлаб: «**Сизларнинг қайси бирингиз буни бир дирҳамга сотиб олишни яхши кўради?**» дегандилар, саҳобалар: «Бизга ундан бирор нарса бўлишини яхши кўрмаймиз. Буни нима ҳам қилардик?» дейишди. Сўнгра у зот яна: «**Бу сизларга бўлишини яхши кўрасизларми?**» дегандилар, улар: «Аллоҳга қасамки, агар бу тирик бўлганда ҳам қулоғи кичиклиги сабаб айби бор экан. Энди ўлигига эгалик қилишни ким ҳам яхши кўрарди?» дейишди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Аллоҳга қасамки, бу дунё Аллоҳ ҳузурида сизларга мана бу ўлимтик эчки қадрсиз бўлганидан ҳам зиёда қадрсиздир**», дедилар.

Имом Муслим ривоятлари.